

УДК 17.31

Abdullajanova Nigoraxon Turdalievna

Teacher of the Department of Social Sciences

Namangan Engineering and Construction Institute

DISCUSSION OF WORKS IN UZBEK LANGUAGE - AN IMPORTANT FACTOR OF LANGUAGE LEARNING

Annotation: The article presents the development of the Uzbek language, ideas and suggestions to increase the vocabulary of speakers.

Keywords: language, literature, research, decree, reading, Uzbek

Абдуллажанова Нигорахон Турдалиевна

Ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчиси

Наманган муҳандислик қурилиш институти

ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ АСАРЛАР МУҲОКАМАСИ - ТИЛ ЎРГАНИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Аннотация: Мақолада ўзбек тилининг ривожини, унда сўзлашувчиларнинг сўз бойлигини оширишга доир фикрлар ва таклифлар берилган.

Таянч сўзлар: тил, адабиёт, тадқиқот, фармон, мутолаа, ўзбек тили

Тил - миллатнинг кўзгуси бўлиб, унда тарих - ўтмиш ва келажак жонланади. «Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигин кўрсатадурган ойинаи ҳаёти тил ва адабиётидур», дея эътироф этади Абдулла Авлоний. Бир миллатни йўқ қилиш учун унинг тилини йўқ қилиш кифоя. Тилни йўқ қилиш маънавиятни йўқ қилиш билан баробардир. Тилимизга эътибор сусайиб бораётганлиги ҳақида Абдулла Авлоний ўзининг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» китобидаги «Ҳифзи лисон» мақоласида: «Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур. Ҳайҳот! Биз туркистонликлар миллий тилни сақламак бир тарафда турсун кундан-кун унутмак ва йўқотмакдадурмиз», дея бонг уради. Этибор беринг, юз йил аввал айтилган сўзларнинг долзарблиги ҳамон йўқолмаган. 1989 йилда

Ўзбек зиёли қатлами она тилимизни ёқлаб овоз берганлари туфайли халқимиз ўзбек тили мақомини қайта тиклади.

Ўзбек тилининг халқимиз ижтимоий ҳаётида ва халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини тубдан ошириш, униб-ўсиб келаётган ёшларимизни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларга садоқат, улуғ аждодларимизнинг бой меросига ворислик руҳида тарбиялаш, мамлакатимизда давлат тилини тўлақонли жорий этишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тузилмасида Давлат тилини ривожлантириш департаменти, Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти университети ташкил этилди.

Мамлакатимизда ҳамма тилларнинг орасида ўзбек тили давлат тили энг кўп ишлатилади. Таълим муассасаларида, давлат ташкилотларида, қисқаси ҳамма жойда алоқа биринчи навбатда давлат тилида бўлади. Ўзбек тилини ўз она тилиси деб ҳисобловчиларнинг тилни билиш даражаси қай даражада эканлиги қизиқарлидир. Бу борада ўтказилган кичик бир тадқиқотга эътибо беринг: 2017 йилда Самарқанд давлат университети ректорининг ташаббуси билан, университетнинг барча талабаларини ўзбек тили бўйича саводхонлик даражасини билиш учун, улардан диктант, баён ва эркин мавзуда иншо олинди. Диктант ёзиш бўйича биринчи ўринда ўзбек тили ва адабиёти факультетининг талабалари, уларнинг 27 фоизи «2», 73 фоизи «қониқарли». Иккинчи ўринда биология-кимё факультетининг талабалари, уларнинг 67 фоизи ўтган, 33 фоизи «2» баҳо олган. Бошқа факультет талабаларининг тақрибан ярми ўтган, ярми ўта олмаган. Университет бўйича 52 фоизга яқин талаба ўтган, 48 фоизи эса диктантдан «2» баҳо олишган. Бунга тегишли энг сўнгги маълумотга кўра, СамДУга ўқишга қабул қилиш учун ҳужжат тошширган бир қисм

абитуриентлар 5-6 мартадан ариза ёзган, битта шоввоз эса 59 марта ёзибди. Мақола муаллифи ишлайдиган кимё бўлимида ҳам баъзи назоратлар ёзма шаклда ўтказилган. Баъзи талабалар «квант», «молекула» каби сўзларни тўғри ёзаолмайди. Ваҳоланки, бу сўзлар ўрта мактабда, лицей ва коллежда физика ва кимё фанларида ўтилади. Иншо олган мутахассисларнинг гапига қараганда, талабанинг она тилидаги сўз бойлиги 500-1000 атрофида. Бундай сўз захираси билан ўз фикрини тингловчига (келажакда ўқувчига) ҳар томонлама тушунарли қилиб етказиш мумкин эмас экан. Ҳозир ўзбек тилига катта эътибор берилганга ўхшайди, қонун қабул қилинган, тест синовларидаги битта фан албатта она тили, махсус институт ташкил қилинди ва ҳоказо. Лекин шунга қарамасдан талабалар ўртасида ўтказилган кичик тадқиқот шуни кўрсатадики, аҳвол ачинарли. Муаллиф масалани ечишга доир бир қанча таклифлар берган.

Фикримизча тилни ривожлантириш учун илмий асосланган тадқиқот ва хулосаларга мурожаат қилиш лозим. Шунга боғлиқ равишда тадқиқотлар кўламини ҳам кенгайтириш зарур. Улар давлат миқёсида олиб борилаётган сиёсатни белгилашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Мутахассислар эътиборни қаратиши лозим бўлган яна бир жиҳат ўзбек тили дарсликларини барча учун тушунарли ва содда тилда наشر этишдир. Ана шунда ўзлаштириш кўрсаткичлари ортиши мумкин.

Тилни ўрганишда бадий адабиётнинг, китобнинг ўрни беқиёс. Шунинг учун тилни айнан ёшлиқда ўрганиш ва ўргатиш керак. Фикримизча, ўтилиши лозим бўлган фанлар қаторига бадий адабиёт муҳокамасига бағишланган алоҳида фан жорий этиш мақсадга мувофиқ бўларди. Ушбу фаннинг халқ таълими, олий таълим тизимида ҳар йили ҳар бир синфда ўқитилиши зарур деб белгиланиши ўқувчиларнинг сўз бойлиги ортишига олиб келади.

Фаннинг тахминий режаси қуйидагича: бир ойда битта ўзбек тилида чоп этилган жаҳон ёки ўзбек адабиёти намунаси танлаб олинади (буни

режада белгиласа яхши бўлади). Асарни ўқувчи ўқийди, муҳокамага тайёрланади, тушунарли бўлмаган сўзларнинг маъносини топади, асар маъноси ва аҳамияти ҳақида иншо ёзади.

Албатта бу таклифга мутахассисларнинг фикрини ўрганиш муҳим. Китоб мутолааси тилимизнинг мавқеи, сўзлашувчиларнинг саводхонлигин ошириши шубҳасиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ибодова Н. Қалбимизу рухимизга кўзгу тил. <https://yuz.uz/news/qalbimiz-ruhimizga-kozgu-til>
2. Қувватов А. Ўзбек тилининг мавқеини ошириш: бунинг учун қандай чоралар кўрилиши керак? <https://kun.uz/23717787>
3. Ismoilov M. I. The status of intuitive forecasting in the environmental paradigm evolution //Scientific Bulletin of Namangan State University. – 2019. – Т. 1. – №. 6. – С. 214-218.
4. Ismoilov M. I. A new environmental (ecological) paradigm an important factor in ensuring of sustainable development //Theoretical & Applied Science. – 2019. – №. 10. – С. 666-668.
5. Ismoilov M., Shaydullayev N. Moral education: concept, essence, tasks //Theoretical & Applied Science. – 2020. – №. 2. – С. 658-660.
6. Ismoilov M. Ecological paradigm and the present society //Теория и практика современной науки. – 2017. – №. 5. – С. 21-24.
7. Ismoilov M. I. Towards the environmental paradigm: from irrational to rational //Теория и практика современной науки. – 2017. – №. 5. – С. 24-27.
8. Шайдуллаев Н. Обеспечение информационно-психологической безопасности в открытых информационных системах //Теория и практика современной науки. – 2017. – №. 4. – С. 909-912.
9. Shaydullayev N. Formation of intellectual culture in youth-demand of period //Экономика и социум. – 2020. – №. 5-1. – С. 140-142.

10. Jo'rayev, X. teacher (2019) "'Turkistan collection' is an important resource in studying the history of the policy of the Russian Empire's population migration to Turkistan," *Scientific journal of the Fergana State University: Vol.2, Article 17*. DOI: 93/99+(-32)+(282.1)
11. Juraev N. T. Russia's educational policy in turkestan // *Экономика и социум*. – 2020. – №. 3. – С. 53-56.
12. Жураев Х. Т. Взаимосвязь политики и религии // *Теория и практика современной науки*. – 2017. – №. 5. – С. 298-301.
13. Abdulahadovich X. A., Egamberdiyevna D. S., Tuxliboyevich J. R. H. Innovative approach to improving the effectiveness of higher education // *Journal of Critical Reviews*. – 2020. – Т. 7. – №. 7. – С. 1074-1076.
14. Muxiddinova K. The role of a mother in raising young people in the spirit of love to books // *Инновационные подходы в современной науке*. – 2021. – С. 73-77.
15. Muxiddinova X. The role of women's in the education spiritual youth // *Теория и практика современной науки*. – 2018. – №. 3. – С. 42-44.
16. Мухиддинова Х. Г. Информация как средство психологического воздействия // *Теория и практика современной науки*. – 2017. – №. 4. – С. 625-628.
17. Мухиддинова Х. Г. РЕЛИГИЯ КАК СОЦИАЛЬНЫЙ ФЕНОМЕН // *Теория и практика современной науки*. – 2017. – №. 4. – С. 628-631.
18. Отахонов А. The Importance Of Using Modern Pedagogical Technologies In Teaching Historical Sciences // *Экономика и социум*. – 2021. – №. 5-1. – С. 383-386.
19. Отахонов А. The role of political and social views of the jaded thinkers in our national spiritual development // *Экономика и социум*. – 2019. – №. 6. – С. 57-59.
20. Khaydarov M. T., Otakhanov A. M. The role of ecological culture in family ceremony (as examples uzbeks in fergana valley) // *Вестник современной науки*. – 2015. – №. 11-1. – С. 42-44.
21. Отахонов А. Relationship Between Politics And Religion // *Экономика и социум*. – 2019. – №. 6. – С. 54-56.